

# Мавзу «БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРИ.

**Биологик ресурслар - ўсимлик ва  
ҳайвонот дунёси ҳамда  
ландшатфтлардан ташкил топган.  
Инсоннинг кундалик хаётида  
ўсимликларнинг аҳамияти жуда катта.  
Чунки ўсимликлар мухим географик  
омил сифатида ер юзасида сув оқимиға  
бўғланишига, тупрокда нам сақалашга,  
атмосферанинг қуий қисмидаги ҳаво  
оқимиға, шамол кучи ва йўналишига,  
ҳайвонларнинг хаётига ҳам таъсир  
этади.**

Ер шаридаги фаол кислорднинг 60% урмонлар беради. Урта улчамдаги бир дараҳт 24 соат ичида 3 нафар одамнинг нормал нафас олиши учун зарур булган кислород миқдорини тиклай олади.

**Урмон сув ресурслари ва тупрокни мухофаза килишда катта роль уйнайди.**

**Урмонларда корлар очик жойга нисбатан секин эрийди, бу эса сув тошкынларини олдини олади ва ирмокларга сувни бир маромда түшишини таъмин этади.**

Урмонлар ер юзасидаги майдонларни иссик шамолларда асрайди ва тупрокдаги намни саклашга ёрдам беради. Шунинг урмон тупрокни сув ва шамол эрозиясида саклайди.

**Усимлик дунёси-бу тугаланадиган, аммо кайта тикланадиган ресурсдир.** Усимлик дунёсиниг **хилма-хиллиги инсонга** **боглик.** Усимликларни янги навларини яратиш билан бирга, хужалик юритиш натижасида куп турдаги усимликларни йуқолиб кетишига сабабчидир. Хозирда 30 00дан ортик усимлик тури йуқолиб кетган.

**Урмон дам олиш учун яхши маскан хисобланади ва бунинг натижасида инсон уз мөхнат кобилиятини тиклаб олади.** Шахарларда истироҳат боғларидағи хаво саноат корхоналари жойлашган зоналардаги хавога нисбатан 40-50 марта тозадир. Даражалар фитонцидлар чиказишларини хисобга олсак бактериявий ифлосланиш даражаси хам пасаяди.

Турли ресурслар турлича  
тезликда тикланади. Масалан,  
**овланган** хайвонларнинг  
тикланиши учун бир ёки бир  
неча йил, кесиб олинган  
урмонлар учун камида олтмиш  
йил, тупрок чиринди  
каватининг 1 см хосил булиши  
учун 300-600 йил талаб  
килинади.

**Хайвонлар-биосферанинг асосий компонетларидан бири хисоланади. Усимликлар билан бирга улар табиатда кимёвий элементларни айланиб юришида катта ахамиятга эга. Планетамизда хайвонот дунёсининг сони куп булиб, улар 1,5 миллиондан ортик турни ташкил этади.**

**Хайвонлар куёш нури таъсирида усимлик хосил килган органик моддалар билан озикланиб, табиатда моддаларнинг биологик айланишида мухим роль уйнайдилар.**

Тупрок таркибини яхшилашда ва унинг ҳосилдорлигини оширишда ҳайвонларнинг, хусусан, ёмғир чувалчангини, чумолини, термитларни, умуртқали ер қазувчиларни ва бошқаларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Бу ҳайвонлар тупроқни юмшатади, аралишириади, нажас ва ўсимлик қолдиқлари билан ўғитлайди.

Ўсимликларни чанглашда, уруғ ва меваларини бошқа жойларга олиб бориб тарқатишда ҳайвонларни иштироки бор. Агар ҳайвонлар бўлмаганданда эди, жуда кўп ўсимликлар чангланмаган ва оқибатда мева бермаган бўлар эди. Ҳашаротлар, хусусан, арилар, капалаклар ва қушлар туфайли ўсимликлар чангланади.

**Жуда кўп ўсимликларнинг худудий тарқалишида ҳайвонлар фаол иштирок этади, улар ўсимлик уруғларини узоқ жойларга олиб боради.**

**Баъзи ҳайвонлар, чунончи йиртқич күшлар зааркунанда кемирувчиларни қириб, ўсимлик ҳосилдорлигини ошишига кўмаклашади ёки баъзи фойдали ҳашаротлар ўсимликларни зааркунанда ҳашаротлардан ва касалликлардан саклайди.** Масалан, бойқуш бир йилда 1000 та сичқонни йўқ қилиб, 500 кг донни саклаб қолса, чумолилар ўрмонларни касалликдан саклайди.